



**МАКТАБГАЧА, УМУМИЙ ЎРТА,
ПРОФЕССИОНАЛ ВА ОЛИЙ ТАЪЛИМ
ТИЗИМЛАРИДА ҲУҚУҚИЙ
ТАЪЛИМНИНГ УЗВИЙЛИГИНИ
ТАЪМИНЛАШ
КОНЦЕПЦИЯСИ**

Тошкент – 2020

Тузувчилар:

Жамалов Н.К - Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси мудир, ю.ф.н.

Н.Акаева - Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти

Н.Сайдалиходжаева - Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети “Миллий ғоя ва маънавият асослари” кафедраси доценти, п.ф.н.

М У Н Д А Р И Ж А

1-боб. Умумий қоидалар	3
2-боб. Ҳуқуқий таълимнинг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар	4
3-боб. Ҳуқуқий таълим концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари	6
1-§. Ҳуқуқий таълимнинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш	8
2-§. Ҳуқуқий таълим тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш	10
3-§. Ҳуқуқий таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш	11
4-§. Ҳуқуқий таълимни ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси	12
5-§. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш	14
4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар	15
Иловалар	17

1-боб. Умумий қондалар

1. Ўзбекистон Республикаси мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ҳуқуқ фанини ўқитишни ривожлантириш концепцияси Ўзбекистон Республикасининг 2035 йилгача ривожланиш Стратегиясининг концепцияси, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги “Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПҚ-4312-сонли Қарори, 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5712-сонли ҳамда 2019 йил 6 сентябрдаги “Профессионал таълим тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5812-сонли ва 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 9 январдаги “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида ПФ-5618-сонли Фармонлари, 2025 йилгача Ўзбекистон саноатининг ривожланиши концепцияси, Жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги, Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижроси юзасидан ишлаб чиқилган.

2. Концепция мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ҳуқуқий таълимни ривожлантиришнинг асосий тенденцияларини белгилаб беради, жумладан:

ривожланган хорижий мамлакатларнинг таълим соҳасида меъёрларни белгилаш тажрибасидан миллий хусусиятларни ва мамлакатда амалга оширилаётган ислохотларни ҳисобга олган ҳолда такомиллаштириш;

Ҳуқуқий таълим меъёрий ҳужжатларини таълим сифати ва кадрлар тайёрлашга қўйиладиган халқаро талабларга мувофиқлигини таъминлаш;

ҳуқуқий таълим бўйича мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари битирувчиларига қўйиладиган малака талабларини узвийлигини таъминлаш ҳамда амалиётга татбиқ этиш;

ҳуқуқий таълим мазмуни ва моҳиятини сифат жиҳатидан янгилаш, шунингдек ўқитишнинг янги аспектдаги методикасини ишлаб чиқиш, таълим-тарбия жараёнига индивидуаллаштириш тамойилларини босқичма-босқич татбиқ этиш;

мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ҳуқуқий таълимнинг ўзаро интеграциясини таъминлаш ва битирувчиларни касб-хунарга ўргатиш орқали ҳаётга тайёрлаш ишларини ташкил этиш;

ҳуқуқий таълим мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган ҳуқуқий саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш;

ҳуқуқий таълимни ташкил этишнинг замонавий шакл, метод ва воситалари асосида дуал тизимли ўқув модулларини ишлаб чиқиш;

таълим жараёнига миллий, умуминсоний ва маънавий қадриятлар асосида битирувчиларни тарбиялашнинг самарали методикасини кенг жорий этиш;

ҳуқуқий таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш;

ўқув-тарбия жараёни самарадорлигини ва натижавийлигини таъминлашда инновацион педагогик ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини тадбиқ этиш;

ҳуқуқий таълимнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва бюджетдан маблағ билан таъминлашнинг самарадорлигини ошириш;

эркин бозор муносабатларига ва хусусий мулк устуворлигига асосланган иқтисодий ривожланиши ҳамда тадбиркорлик, касаначилик фаолиятини кенг жорий қилишда ўқувчи шахси, унинг интилишлари, қобилияти ва қизиқишларини аниқлаш;

меъёрий ҳужжатларда назарда тутилган компетенцияларга асосланган баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш.

2-боб. Ҳуқуқий таълимнинг амалдаги жорий ҳолати ва мавжуд муаммолар

3. Ҳозирги вақтда ҳуқуқий таълимнинг амалдаги жорий ҳолати ва тўпланган тажрибалар таҳлилидан қуйидагилар маълум бўлади. Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида таълим олаётган ўқувчиларда ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, таълим олувчиларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узок йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим

давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

Бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида таълим олаётган ўқувчиларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усулларида, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланилмаяпти.

Таълим босқичлари ўқувчи ва тарбияланувчиларининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга доир ишлар самарадорлигини янада такомиллаштириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар билан уйғун равишда ҳуқуқий билимларини ошириб боришнинг замонавий усуллари жорий этиш, шунингдек, аҳолини, ёшларни зарарли ахборотлардан ҳимоя қилиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш мақсадга мувофиқдир.

Иқтисодиётнинг барча соҳаларини рақамли технологиялар асосида янгилашни назарда тутадиган “Рақамли Ўзбекистон – 2030” дастурини ишлаб чиқиш ва жорий этиш вазифлари белгиланди. Бу эса саноатнинг етакчи тармоқларини модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш, соҳага илғор технологияларни жорий этиш, юқори технологияли корхоналар, технопарклар, ишлаб чиқариш корхоналари ташкил этиш, замонавий муҳандислик-коммуникация инфратузилмаларини барпо этишга янада кенг имкониятлар яратади.

Бугунги кунда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида таълим олаётган ўқувчиларда саноатлашган мамлакатда таълим олиши, яшаши ва ишлаши учун зарур кўникмаларни шакллантириш долзарб масалага айланиб бормоқда ва бу борада ёшларни ҳуқуқий билимли бўлиши давр талаби.

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларимизни узлуксиз давом эттиришимиз зарур. Ҳуқуқий тарбияни

мактабгача таълим тизимидан бошлашимиз, бу борадаги илк кўникмалар она алласи каби фарзандларимиз қалбидан умрбод жой олиши даркор.

Конституциямиз ҳар бир таълим тизимларида таълим олаётган ўқувчиларнинг онги ва қалбидан чуқур жой олган, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини тўлиқ қафолатлайдиган ҳақиқий ҳаёт қомусига айланмоғи лозим.

Ҳар бир соҳа ва йўналиш, таълимнинг барча босқичлари учун ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосланган дастури тайёрланиши керак. Бунда, авваламбор, Конституцияни ўрганишга жиддий ёндашиш лозим. Мактабгача таълим учун “Конституция сабоқлари”, Умумтаълим мактаблари учун “Конституция алифбоси”, “Конституция асослари” каби дарсликларни яратиш зарур. Ушбу фанлардан дарс берадиган ўқитувчиларни тайёрлашда уларнинг сиёсий, ҳуқуқий ва маънавий савиясига алоҳида аҳамият бериш лозим. Шунингдек, ҳаётдаги адолат тантанаси, қонуний ҳақ-ҳуқуқлар тиклангани ҳақида қизиқарли кўрсатувлар, сериаллар, бадиий фильмлар, театр асарлари яратиш ҳам катта тарбиявий аҳамиятга эга. Биринчидан, инсон ҳуқуқларини таъминлаш самарадорлигини янада ошириш учун миллий стратегиямиз бўлиши лозим. Кейинги йилларда мамлакатимизда бу борада кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Инсон ҳуқуқларини таъминлаш борасида Миллий стратегияни ишлаб чиқиб, шу асосда мазкур йўналишдаги сиёсатимизни изчил амалга оширишимиз керак. Ушбу стратегияда инсон ҳуқуқ ва эркинликларига оид конституциявий тамойилларни рўёбга чиқариш механизмлари аниқ-равшан белгиланиши лозим. Жамиятда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳурмат қилиш маданиятини шакллантириш, шу орқали мамлакатимизнинг халқаро нуфузини янада юксалтиришимиз зарур.

Миллий стратегия доирасида инсон ҳуқуқларини ўқитишнинг узлуксиз тизимини яратиш, умумтаълим мактаблари, олий ўқув юртлари, кадрларни қайта тайёрлаш марказларида “Инсон ҳуқуқлари”, “Бола ҳуқуқлари”, “Аёллар ҳуқуқлари” номли махсус ўқув курсларини жорий этиш керак.

Хусусан, жадал ислохотлар, ўзгаришлар шароитида мактабгача, умумий ўрта, профессионал таълим тизимларида ҳуқуқий таълим ўқувчи-ёшларда ижодкорлик қобилияти ва меҳнат кўникмаларини ривожлантириш, уларда олий таълим босқичида ёки мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенциялар ва дунёқарашларни шакллантиришда асосий ечим бўлиб хизмат қилади.

Ҳуқуқий билимли битирувчилар барча жабҳаларда рақобатбардош кадр бўлиб етишади. Ишлаб чиқариш жараёнлари юқори даражада саноатлашган Буюк Британия, Франция, Германия, АҚШ, Израил, Япония, Жанубий Корея, Хитой Халқ Республикаси ва бошқа ривожланган давлатлар таълим тизимида ҳам ҳуқуқий таълим таълимнинг асосий бўғини ҳисобланиб, жаҳон меҳнат бозорига малакали мутахассислар тайёрлашнинг муҳим босқичлари ва ташкил этувчиларидан бири деб қаралади.

Мактабгача таълим тизимида.

Мактабгача таълимнинг мақсади Мактабгача таълим тизимини янада такомиллаштириш, болаларни мактаб таълимига тайёрлаш даражасини тубдан яхшилаш, таълим-тарбия жараёнига замонавий таълим дастурлари ва технологияларини татбиқ этиш, болаларни ҳар томонлама интеллектуал, ахлоқий, ҳуқуқий, эстетик ва жисмоний ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ижодий қобилиятларини очиб бериш, мактаб таълимига тайёргарлигини таъминлаш ва иштиёқини тарбиялашдан иборат.

Таълим-тарбия жараёнига болаларни ҳар томонлама интеллектуал, маънавий-ахлоқий ва жисмоний ривожлантиришни таъминлайдиган замонавий таълим дастурлари, илғор ахборот технологияларини жорий этиш, тарбияланувчиларни мактабга тайёрлаш даражасини ошириш, мактабгача таълимни бошқаришнинг замонавий стандартларини яратиш бугунги кунда мактабгача таълим тизими олдида турган асосий вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади.

Мактабгача таълим муасасасаларида ҳуқуқий тарбиянинг мақсад ва вазифалари: “Илк Қадам” давлат ўқув дастури асосида “Конституция сабоқлари” дастури бўйича ишлаб чиқилган парциал ўқув дастури ва ўқув-методик мажмуа бўйича барча мактабгача таълим ташкилотларида таълим жараёнини ташкил қилиш лозим.

Таълим жараёнида, Конституцияни, давлат ҳақидаги таълимотни, ва бошқариш ҳуқуқларининг маъносини тушунтиришдан, болаларни давлат қонунларини юксак даражада ҳурмат қилиш, уларга сўзсиз риоя этиш, ҳуқуқий билимларни эгаллашга эҳтиёж сезиш, тартиб ва интизомни бузувчиларга нисбатан мурасасизлик руҳида тарбиялаш, халқаро ҳуқуқнинг аҳамиятга молик масалалари, халқаро ташкилотлар (БМТ, Хавфсизлик Кенгаши ва ҳоказо) фаолияти ҳақида болаларнинг умумий тасаввурларини шакллантиришдан иборатдир.

Ҳуқуқий таълим ва тарбия ўзаро боғлиқлик, узвийлик, алоқадорлик ҳамда диалектик характерга эга бўлиб, шахс ҳуқуқий маданиятини шакллантириш гарови ҳисобланади. Зеро, ҳуқуқий таълим болаларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ҳамда ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти тўғрисида тизимланган билимларни бериш, уларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни шакллантириш жараёни бўлиб, у изчил, узлуксиз, тизимли тарзда ташкил этилиши лозим.

Ҳуқуқий тарбияни ташкил этиш жараёнида қуйидаги вазифалар ҳал этилади:

- болаларга ҳуқуқий меъёрлар, қонунлар ва ижтимоий-ҳуқуқий муносабатлар моҳияти ҳамда уларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамияти тўғрисида маълумотлар бериш;

- болаларда ҳуқуқий билимларни эгаллашга бўлган эҳтиёжни юзага келтириш, ҳуқуқий онгни қарор топтиришга эришиш;

- болаларда ҳуқуқий фаолиятни ташкил этиш борасидаги кўникма ва малакаларни ҳосил қилиш;

- уларда ижобий мазмундаги ҳуқуқий сифатлар (ҳуқуқий тасаввур, ҳуқуқий идрок, ҳуқуқий тафаккур, ҳуқуқий саводхонлик, ҳуқуқий масъуллик, ҳуқуқий фаоллик, ҳуқуқий эътиқод ва ҳуқуқий салоҳият)нинг қарор топишини таъминлаш;

- болалар ҳуқуқий маданияти (ҳуқуқий меъёрлар, қонунларнинг ижтимоий ҳаётдаги аҳамиятини тўғри баҳолаш, ҳаракат ва ҳаракатсизликнинг қонуний бўлишига эришиш, давлат Конституцияси ва қонунларини, шунингдек, фуқаролик ҳуқуқ ва бурчларини ҳурмат қилиш, юридик хизматларга нисбатан эҳтиёжни қарор топтириш, ҳар қандай кўринишдаги ҳуқуқбузарликларга қарши муросасиз курашни ташкил этиш)ни шакллантириш.

Мактабгача таълим муассасасидаги ҳуқуқий тарбия - ўз ичига болаларни ҳуқуқий билимлар билан қуроллантириш, мазкур билимлар асосида ўз ҳуқ-атворида нисбатан масъулиятли муносабатни шакллантириш, қонун ва қоидаларга риоя қилиш муҳимлигини уқтириш, муайян ҳуқуқ ва эркинликлардан фойдаланиш йўл-йўриқларини сингдиради ва қамраб олади. Умум услубий режадан келиб чиқиб, тарбияга комплекс ёндашув принципи нуқтаи-назардан қаралганда, уни ғоявий, сиёсий, ахлоқий, эстетик тарбия таъсирининг йиғиндиси сифатида тушуниш мумкин.

Мактабгача таълим муассасаси болаларни ҳуқуқий тарбиялаш тизими икки шаклдан иборат бўлиб: оғзаки ва амалий ишлар кўринишида ташкил этилади. Ҳуқуқий тарбияни амалга оширишда машғулотлари, баҳс-мунозаралар, ҳуқуқий мавзулардаги суҳбатлар яхши натижа беради.

Мактабгача таълимни ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини муваффақиятли юритишга ва таълим-тарбия жараёнларини талаб даражасида ташкил этишга тўсқинлик қилаётган бир қатор тизимли муаммолар ва камчиликлар мавжуд. Булар қуйидагилар:

Мактабгача таълим ташкилотларида таълим самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор ҳорижий тажрибаларни ўрганиш асосида ишларни тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги;

таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи механизмларнинг йўқлиги;

мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячилар учун замонавий шароит ва эҳтиёжлар асосида ишлаб чиқилган ўқув-методик адабиётлар етарли даражада таъминланмаганлиги;

мамлакатимизда кейинги йилларда амалга оширилаётган таълимий ислоҳотларга ҳамоҳанг тарзда мактабгача таълим ташкилотлари учун тасвирий фаолият бўйича замонавий мазмун моҳиятини касб этувчи методик ишланмалар етарли даражада яратилмаганлиги;

мактабгача таълим ташкилотларининг малакали педагог кадрлар (конституция ва бола ҳуқуқига оид машғулотларни ҳам тарбиячи ўтаётганлиги сабабли уларни ҳуқуқий билим малакасини ошириш керак) билан тўлиқ таъминланмаганлиги;

ҳуқуқий саводхонликка оид машғулотларини ташкил этиш учун мультимедиа ва дидактик материалларнинг етишмаслиги;

замонавий ўқув методик материаллар ва кўргазмаларни қуролларнинг етишмаслиги;

илғор иш тажрибаларни ўрганиш, уларни оммалаштириш ишлари талаб даражасида ташкил этилмаганлиги.

Умумтаълим тизимида.

Ўқувчиларга таълим беришнинг замонавий инновацион услубларини жорий этиш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти кейинги 10 йил ичида дунёнинг тараққий этган индустриал-технологик локомотивлари қаторига кириши, яъни 2030 йилга келиб иқтисодиётнинг саноат ва технологик тармоқлари бўйича жаҳонда етакчи давлатлардан бирига айланишига замин яратишда муҳим шартлардан биридир.

Халқ таълими вазирлиги тизимида 11 йиллик таълим жорий қилиниши ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимининг функциялари ўзгариши ҳисобига ҳуқуқ фанини ўқитишнинг институционал ривожланишида айрим бўшлиқ ва камчиликлар юзага келган, шу жумладан:

ҳуқуқ фанларининг илмий методик таъминоти (дарслик, мультимедиа иловалар, дидактик материаллар ва бошқа) етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

умумий ўрта таълим мактабларида ўқитиладиган амалдаги ҳуқуқ фанлари мазмуни, мустақил ҳаётда қўллаш имконияти бўлган ҳуқуқий саводхонликни, танқидий фикрлаш ва ижодкорлик компетенцияларини шакллантириш учун етарли эмас;

ҳуқуқ фанларини ўқитишда метапредмет компетенциялар ва фанлараро боғлиқликнинг камлиги;

ҳуқуқ фанларини меъёрий ҳужжатларида баҳолаш мезонларининг фақат битирувчи компетенцияси учун ишланганлиги ва дарслик, мультимедиа иловалари, дидактик материалларнинг етишмаслиги;

ҳуқуқий билимларни оширишда умумтаълим мактабларида ўқитиладиган “Давлат ва ҳуқуқ асослари” ва “Конституциявий ҳуқуқ асослари” фанига кам соат ажратилганлиги ва фанларни ўқитиш жараёнида керакли билимни ўқувчиларга етказиб берилмаётганлиги бўлажак мактаб битирувчиси ва мутахассисларнинг касбий сифатларига салбий таъсир кўрсатмоқда;

ўқувчиларда таълим олишга кучли мотивацияни шакллантириш учун ўқувчиларда қонунларга киритилган ўзгартиш ва қўшимчалар, замонавий технологиялар ва педогогик компетенцияларни ривожлантиришга йўналтирилган жиҳоз ва ускуналарнинг етишмаслиги;

ҳуқуқ фанларини ўқитиш моддий-техника базасини эскирганлиги, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги ҳамда

бюджетдан маблағ билан таъминлаш бўйича етарли чоралар кўриш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилмаганлиги;

педагогларнинг методик таъминотини яхшилаш, ҳуқуқ фанлари ўқитувчилари учун масофадан ўқитишнинг янги шакллари жорий этилмаганлиги;

Профессионал таълим тизимида.

таълим тизимлари ўртасида узвийликни таъминланмаганлиги меҳнат бозори талабларига мос юқори малакали кадрларни тайёрлаш сифатига таъсир этаётганлиги;

таълим сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этилмаганлиги;

инновацион илм-фан ютуқларини амалиётга татбиқ этишнинг самарали механизмлари ишлаб чиқилмаганлиги;

таълимнинг халқаро стандарт таснифлагичи (МСКО) даражалари билан уйғунлашмаганлиги;

ўқув жараёнига Ўзбекистоннинг Миллий квалификация тизими тўлақонли жорий этилмаганлиги тайёрланаётган кадрларнинг меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллашларига тўсқинлик қилаётганлиги;

табақалаштирилган таълим дастурларини жорий этиладиган таълим муассасалари тармоғи ташкил этилмаганлиги;

халқаро таснифлагичнинг даражаларига мос келувчи таълим дастурларини ишлаб чиқилмаганлиги;

умумтаълим муассасаларининг 9-синф битирувчилари ҳисобидан шакллантирилган гуруҳларда 2 йиллик умумтаълим ва мутахассислик фанларининг интеграциялашган дастурларида узвийликни таъминланмаганлиги;

“Ҳаёт давомида таълим олиш” принципи асосида касблар ва мутахассисликларни ўргатиш тизими мавжуд эмаслиги;

Ўзбекистон Республикасида миллий квалификация тизими ва рамакасини, Миллий профессионал стандартларни ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга эътибор қаратилмаганлиги;

профессионал таълим тизимида ишлаб чиқариш таълими усталарини қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг янги тизими жорий этилмаганлиги.

Олий таълим тизимида.

Олий таълим муассасаларида “Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналишида ўқитувчи педагог-кадрларни тайёрлаш сифати бугунги кун талабларига мос ҳолда такомиллаштириш зарурлиги, ҳуқуқ фанларни ўқитишни тубдан қайта кўриб чиқиш ва замон талабига мос равишда янгилашни тақозо этмоқда.

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналиши бўйича илмий методик таъминоти етарли даражада ишлаб чиқилмаганлиги;

Ҳуқуқий таълимнинг моддий-техника базасини эскирганлиги, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланмаганлиги ҳамда бюджетдан маблағ билан таъминлаш бўйича етарли чоралар кўриш юзасидан тақлифлар ишлаб чиқилмаганлиги;

ҳалқаро тажрибалардан келиб чиқиб, олий таълимнинг илғор стандартларини жорий этиш, жумладан ҳуқуқий таълим ўқув дастурларида назарий билим олишга йўналтирилган таълимдан амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган таълим тизимига босқичма-босқич ўтишда бепарволикларга йўл қўйилаётганлиги;

Ҳуқуқий таълим мазмунини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш, ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларининг барқарор ривожланишига муносиб ҳисса қўшадиган, меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш сифатини такомиллаштирилмаганлиги яъни ноюрidik олий ўқув юрти ўқув режасидан Ҳуқуқшунослик ва Ўзбекистон республикаси конституцияси фанини олиб ташланганлиги;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига ҳуқуқий таълимни ривожлантириш бўйича технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселератор марказлари ташкил этилмаганлиги;

таълимнинг корхоналар ва илмий-тадқиқот ташкилотлари билан ўзаро манфаатли ҳамкорлигини йўлга қўйишда меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларни эскирганлиги ҳамда ҳамкорлик бўйича ишлаб чиқилган дастурларда босқичма-босқич узвийликни таъминланмаганлиги;

ўқув дастурларини такомиллаштириш ва замонавий педагогик технологияларни жорий этиш юзасидан асосланган тавсияларни ишлаб чиқилмаганлиги;

таълим беришда қўлланилаётган таълим-тарбия усулларининг таъсирчанлигини оширишга хизмат қилувчи механизмларнинг йўқлиги;

ҳамкорликнинг янги шакллари ривожланмай қолаётганлиги ва қўшма таълим дастурларининг мавжуд эмаслиги;

технологик таълим самарадорлигини баҳолаш ва такомиллаштириш бўйича илғор хорижий тажрибаларни ўрганиш асосида ишларни тўлақонли йўлга қўйилмаганлиги.

3-боб. Ҳуқуқий таълим концепциясининг асосий мақсади ва ривожланишининг устувор йўналишлари

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг 2021-2023 йиллар мобайнида Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгашига аъзо бўлиши масаласини изчил илгари суриш ниятидалиги айтилди. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Ёшлар ҳуқуқлари

тўғрисидаги халқаро конвенцияни ишлаб чиқишни таклиф этилганлиги эътироф этилди

Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилиши, бундан ташқари, ҳозирги глобаллашув, илмий-техник тараққиёт даврида ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришнинг инновацион усуллари, тарғиботнинг илғор ва таъсирчан воситаларидан, хорижий давлатларнинг бу борадаги ижобий тажрибаларидан етарли даражада фойдаланиш лозимлиги асослаб берилди.

5. Қуйидагилар ҳуқуқий таълимни ривожлантиришнинг стратегик мақсадлари ҳисобланади:

Ҳуқуқий таълимни меҳнат бозори талаблари асосида модернизация қилиш, ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожлантириш;

Битирувчиларда ҳуқуқий таълим бериш жараёнида замонавий технологияларни қўллаш борасида олган билим, кўникма ва малакаларини мустақил амалий фаолиятида қўллаш, касб-ҳунар танлаш, миллий ва умуминсоний қадриятлар асосида ижтимоий муносабатларга кириша олиш, меҳнат бозорида зарур бўладиган компетенцияларини шакллантириш;

ҳуқуқий саводхонлик, танқидий, креатив ва тизимли фикрлаш, мустақил қарор қабул қила олиш, ўз интеллектуал қобилиятларини намоён эта олиш ва маънавий баркамол шахс сифатида шаклланиши учун зарур шарт-шароит яратиш.

6. Ҳуқуқий таълимни ривожлантириш қуйидаги вазифаларга асосан амалга оширилади:

таълимнинг барча босқичларида изчил ҳуқуқий таълимни ўқитиш тизимини яратиш;

ҳуқуқий таълимнинг илмий методик таъминотини ривожлантириш;

ҳуқуқий таълим тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш, замонавий техника ва технологиялар билан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

ҳуқуқий таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш;

ҳуқуқий таълим тизими мақомини унинг фундаментал билимларнинг инсон яратувчилик фаолияти билан боғлиқлигини ҳамда атроф-муҳит ва умумий таълим мазмуни ўртасидаги ўзаро таъсирни таъминлашдаги асосий ролига муносиб равишда ўзлаштиришга эришиш;

мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларида ўқитилаётган ҳуқуқий таълим жараёнини ўзаро узвийлигини таъминлаш;

фан доирасида ўргатиладиган ва мамлакатимиз фан ва таълим, иқтисодиёти учун истиқболли деб танланган касблар ҳамда мутахассисларни тайёрлашнинг таянч босқичи сифатида хизмат қилиши;

кадрларни тайёрлаш, мавжуд кадрлар таъминотини модернизациялаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш;

малака талабларини, шунингдек янгиланган таълим стандартларини жорий этиш учун эгалланадиган кўникмаларни аниқлашнинг янги усулларини жорий этиш;

фаннинг мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

таълимнинг барча босқичларида фан бўйича олимпиадани ташкил этиш Низомини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий қилиш;

иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, баҳолаш ва рағбатлантириш тизимини ҳуқуқий шу жумладан “Сиз қонунчиликни биласизми?”, “Ҳуқуқ билимдони” каби болалар учун танлов ва кўргазмаларини ташкил этиш;

интеллектуал салоҳиятнинг меҳнат бозоридаги ўрни ҳақидаги маданиятни шакллантириш;

перспектив ҳуқуқий, замонавий стандартларга мос келувчи, йўналишларни тадқиқ қилиш ва жорий этиш;

ўқувчиларда лойиҳалаш ва тадқиқот ишлари маданиятини шакллантириш;

таълимнинг илғор амалиётини оммалаштириш ва ҳуқуқий таълимни ўқитишнинг шакллари хилма-хиллигини рағбатлантириш;

амалий жиҳатдан ҳуқуқ соҳаларидаги билим – технологиялар билан боғлиқ, кенг маънода келажак авлодни юз бериши мумкин бўлган қонун ўзгаришлар билан ишлашга тайёрлаш.

1-§. Ҳуқуқий таълимнинг ўқув-методик таъминотини ишлаб чиқишда узвийликни таъминлаш

7. Ҳуқуқий таълимнинг ўқув-методик таъминотини ривожлантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

илғор хорижий тажрибалар, халқаро стандартлар ва миллий анъаналар уйғунлигида ҳуқуқий таълим бўйича давлат таълим стандартини ишлаб чиқиш;

ҳуқуқий таълим бўйича узвийликни эътиборга олган ҳолда таълим босқичлари учун алоҳида тартибда битирувчиларга қўйиладиган малака талабларини ишлаб чиқиш;

ҳуқуқий таълим тизими ўқув юкларининг минимал ҳажми ҳамда уларнинг тақсимооти юзасидан тақлифлар тайёрлаш;

ҳуқуқий таълим тизими бўйича ўқув-методик мажмуаларни (дарслик, электрон дарслик, дарсликларнинг мультимедиа иловаси ва бошқа) янги авлодини босқичма-босқич ишлаб чиқиш;

ҳуқуқий таълим тизими мазмуни, ўзига хос хусусиятлари, малака талаблари ва шакллантириладиган компетенциялардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш тизимини ишлаб чиқиш;

хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларини ишлаб чиқиш.

8. Ҳуқуқий таълим бўйича ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқиш қўйидаги принциплар асосида амалга оширилади:

ўқув-методик мажмуалар таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий принциплари асосида яратилганлиги;

ўқувчи-ёшларнинг ақлий ва жисмоний имкониятлари, ёши, психофизиологик хусусиятлари, билим даражаси, қизиқишлари, лаёқатлари ҳисобга олинганлиги;

ўқувчи-ёшларда қонунга ҳурмат, ватанпарварлик ва миллий ғурур ҳиссини шакллантиришга қаратилганлиги;

ўқувчи-ёшларда мустақил ижодий фикрлаш, ташкилотчилик қобилияти ва амалий тажриба кўникмаларини ривожлантиришга йўналтирилганлиги.

9. Ўқув-методик мажмуаларни ишлаб чиқишга қўйидагича талаблар қўйилади:

а) дидактик талаблар:

ўқув материалларининг тўлиқ ўзлаштирилишини таъминлаш;

матнлар ахборот беришга эмас, балки ўқув фанининг мазмун-моҳиятини тушунтириш мақсадларига хизмат қилиши;

қизиқарли, лўнда ва ҳамма учун қулай бўлиши;

илмий дунёқарашни шакллантириш, қонунга ҳурмат, ватанпарварлик ва миллатлараро тотувлик талабларига жавоб бериши, аниқ далилларга асосланган материаллардан таркиб топиши;

таълимнинг кундалик ҳаёт ва амалиёт ўртасидаги боғлиқлигини таъминлашга, олинган билимларни амалиётда қўллай олиш лаёқатлари шакллантирилишига, бошқа ўқув фанлари билан узвий боғлиқликни таъминлашга йўналтирилган бўлиши;

расмлар кўринишидаги иллюстрациялар: чизмалар, схемалар, жадваллар, диаграммалар ва фотосуратлар билан безатилган бўлиши;

янги тушунчалар, атамалар, қоидалар, формулалар, таърифлар ва шу кабилар луғат кўринишида ифодаланган бўлиши лозим.

б) илмий-методик талаблар:

фан-техниканинг сўнгги ютуқларини ўзида акс эттириши;

ўқув фани мавзуларининг мазмунан яхлитлиги таъминланган бўлиши;

ўқув фани мавзулари ўзбек адабий тили қоидаларига тўлиқ риоя қилган ҳолда оддий ва содда, тушунарли ва раво тилда баён қилиниши;

манتيқий кетма-кетликка ва изчилликка амал қилиниши;

миллий ғоя ва Ўзбекистон халқининг менталитетига зид бўлмаган тегишли иллюстрациялар билан бойитилиши;

савол ва топшириқлар аниқ ифодаланган бўлиши;

ўқувчиларни фикрлашга, ёзишга, тасвирлашга, казусларни ечишга, ролли ўйинлар орқали юзага келиши мумкин бўган ҳуқуқбузарликларни

олдини олишни ўргатишда педагогик технологиялардан фойдаланиш назарда тутилган бўлиши;

касб-хунарга йўналтиришга оид матнлар ва расмлар, изоҳли луғат, ижодкорлик ва мантикий тафаккурни ўстиришга қаратилган лойиҳалаш ҳамда моделлаштириш юзасидан топшириқларни қамраб олган бўлиши лозим.

в) педагогик-психологик талаблар:

кенг жамоатчилик томонидан тан олинган илмий асосланган маълумотлар, ўқувчиларнинг билим даражалари, эслаб қолиш қобилиятлари, тафаккури ҳисобга олинган ҳолда воқеа ва ҳодисаларнинг моҳиятини англашга ва амалий қизиқишларини ривожлантиришга, билим олишга ва амалий фаолият билан шуғулланишга бўлган эҳтиёжларини тўлақонли қондиришга йўналтирилган бўлиши;

ўқув фани мавзуларининг ёш ва психофизиологик хусусиятларига мос ҳолда берилиши, маълум фактлар, тушунчалар, қоидалар ва фанлараро боғлиқликни ҳисобга олган ҳолда тушунарли баён қилиниши;

ўқувчиларнинг янгиликларни қабул қилиш қобилиятлари, олдин олган билимларини ўзлаштирганлик даражаси ҳисобга олинган бўлиши лозим.

г) эстетик талаблар:

имкон даражасида ёрқин, рангли, қизиқарли ва чиройли бўлиши;

матнлар ўқувчи-ёшларга маълум ижобий ҳиссий таъсирларни ўтказиши ва ўқув фанига қизиқиш уйғотиши;

бўлим, боб, параграф ва мавзулар матнларининг турли шакл ва ранглар билан ажратилиши, мутаносиблиги таъминланиши;

расм ва тасвирлар бадиий эстетик талабларга жавоб бериши, аниқ ва тиниқ ифодаланиши лозим.

д) гигиеник талаблар:

матн ва иллюстрациялар санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мос бўлиши;

харфларнинг катталиги ва қоғознинг сифати (оғирлиги, қалинлиги, оклиги ва шаффофлиги) меъёрий ҳужжатларда белгиланган талабларга мос бўлиши лозим.

2-§. Ҳуқуқий таълим тизимининг моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш

10. Ҳуқуқий таълим моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Мактабгача таълим тизимида.

Мактабгача ёшдаги болаларни мактаб таълимига тайёрлаш, жумладан мактабда “Давлат ва ҳуқуқ асослари”, “Конституциявий ҳуқуқ” фанларида зарур бўладиган билим ва кўникмаларни мактабгача таълим ташкилотларида ўтиладиган Конституция ва ҳуқуққа оид машғулотида, яъни “Эртақлар яхшиликка етаклар”, “Расм чизиш”, “Апликация”, “Конструкциялар тузиш ва кўл меҳнати”, “Пластинин ва лойдан ясаш” фаолиятларида шакллантиради. Ушбу билим ва кўникмаларни самарали шакллантириш учун қуйидагиларни мустаҳкамлаш зарур:

Ўқув-методик ҳамда дидактик материаллар, ривожлантирувчи ўйинлар ва ўйинчоқлар, мебель, компьютер техникаси, ўқув ускуналар билан жиҳозлаш;

мактабгача таълим соҳасига хусусий секторнинг жалб қилиниши, унинг ижтимоий жавобгарлигини оширилиши, молиялаштириш манбаларининг кенгайтирилиши ва мактабгача таълим хизматлари турларининг кўпайиши;

мактабгача таълим тизимини ривожлантиришда молиялаштиришни зарурий даражада амалга оширилиши, мактабгача таълим хизматларини кўрсатишда бюджет маблағларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш.

Мактабгача таълим ташкилотининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш.

Умумтаълим тизимида.

“Замонавий мактаб” давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда янги турдаги замонавий ўқув хоналари замонавий мактаб намунасига мослаштиришни таъминлаш;

ўқув хоналарини замонавий мебель, жиҳозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-услубий материаллар, компьютер, интерактив доска, планшет ва мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари билан жиҳозлашни таъминлаш, уларнинг ўз вақтида янгилаб бориш чораларини кўриш;

ўқув хоналари жиҳозланиш даражасини халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув ускуналари (асбоб-ускуна ва мосламалар, замонавий доскалар) билан таъминлаш;

ўқув хоналарида керакли жиҳозларни давлат бюджети, хомий ташкилотлар ва таълим муассасасининг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан таъминлаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

давр талаби ҳамда ўқувчиларнинг қизиқишларини ҳисобга олган ҳолда долзарб касбларнинг бирламчи асосларини ўргатиш учун тўғарақлар моддий-техник таъминотини мустаҳкамлаш;

ўқув хоналари моддий-техник таъминотидан оқилона фойдаланиш ва асраб-авайлаш;

хавфсизлик техникаси қоидалари ва санитария-гигиена талабларига риоя қилган ҳолда фойдаланиш.

Профессional таълим тизимида.

Профессional таълим муассасаларида касб ва мутахассисликларнинг хусусиятларидан келиб чиқиб ҳуқуқий таълимга тегишли билим, кўникма ва малакаларнинг қўлланилиши натижасида назарий ва амалий машғулотларининг сифатли ўқитилишини таъминлашда қуйидаги жиҳатлар муҳим ўрин эгаллайди:

профессional таълим муассасаларида касб-ҳунар эгаллаш мазмун моҳиятига тегишли, касб ва мутахассисликлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда махсус фан хоналарини ташкил этиш;

ўқув хонасини ўқувчиларнинг ёшига, ўзлаштириш даражаларини инобатга олган ҳолда касб -ҳунар сирларини ўрганишда оддийдан-муракабга

қараб йўналтирилган ўқув методик, кўргазмали воситалар, вертуал стендлар, касбга оид турли макетлар мажмуалари таъминотини яратиш;

ўқувчилар томонидан ўтказиладиган амалий машғулотлар учун материаллар билан таъминланган бўлиши;

ўқувчилар учун касб-ҳунарларни мукамал ўрганиб боришлари учун мустақил равишда шуғулланишларида амалий машғулотлар топшириқлар базасини мавжуд бўлиши;

ўқув хонаси замонавий ўқув жихозлари, анимацион ўқув материаллари билан таъминланган бўлиши;

ўқувчиларнинг ўзлари эгалладиган касбларига бўлган қизиқиш ва кўникмаларини янада ошириш мақсадида, ўқувчилар томонидан ҳуқуқ соҳалари амалий машғулотлари вақтида юридик ёрдам рукни остида турли фуқаро мурожаати учун керакли расмий ҳужжатларни тулдиришга ёрдам бериш сифатида йўлган қўйиш ва шу орқали таълим муассасасига бюджетдан ташқари маблағлар топишни ривожлантириш ҳамда ўқувчилар меҳнатини рағбатлантириш механизмларини жорий этиш;

таълим турлари бўйича ҳуқуқий таълимни ўқитишда узлуксизлиги таъминланган ягона таълим дастурини жорий этиш;

хорижий таълим муассасалари билан педагогик тажриба алмашиш тизимини йўлга қўйишда замонавий компьютер техникалари ва интернет тармоғининг узлуксиз ишлашини таъминлаш.

ўқувчи ёшларни амалий машғулотлар даврида техника хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш тартиблари бўйича кўргазмали воситалар билан таъминлаш;

профессионал таълим муассасалари ўқувчилари учун касбга оид ўқув адабиётларидан эркин фойдаланишларини таъминлаш учун электрон кутубхона платформасини жорий этиш.

Олий таълим тизимида.

Жахон олий таълим тизимидаги ҳуқуқий таълим йўналишига оид етук замонавий кадрлар тайёрлаш давлат дастури доирасида умумий ўрта таълим мактаблари учун халқаро тажрибаларни ҳисобга олган ҳолда малакали мутахассислар тайёрлашда янги турдаги замонавий ўқув хоналарни барпо этиш, махсус жихозланган хоналарни замонавий хорижий тажрибалар асосида жахон стандартларига мослаштириш;

ўқув хоналари ҳамда амалий хоналарини замонавий мебель, жихозлар, асбоб-ускуна ва мосламалар, ўқув-услугий материаллар, лаборатория жихозлари, компьютер, интерактив доска, планшет ҳамда мультимедиа техникалари, интернет, видеокузатув тизимлари, масофавий ўқитиш жихозлари, 3D принтер билан таъминлаш, уларнинг ўз вақтида янгилаб бориш чораларини кўриш;

ўқув хоналари, ҳуқуқ фанларни ўқитиш учун илмий тадқиқот ва лаборатория тажрибаларини ўтказиш объектларни яратиш жихозланиш даражасини халқаро стандартларга жавоб берадиган ўқув ускуналари (асбоб-ускуна ва мосламалар) билан таъминлаш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимини кенг жорий этиш, талабаларнинг олий таълим муассасасида ўқишни тамомлаганларидан сўнг кутубхона фонди, ахборот базаларидан фойдаланишини йўлга қўйиш орқали уларнинг касбий малакасини узлуксиз ошириб бориш имкониятларини кенгайтириш;

халқаро маблағларини кенг жалб қилиш орқали инновацион фаолият инфратузилмасини такомиллаштириш мақсадида турли халқаро танловларда иштирок этиш;

кутубхона, ўқув хоналар, лабораториялар инфратузилма объектларига нисбатан ўсиб бораётган эҳтиёжни ўз вақтида таъминлаш ва замон талаблари асосида уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш;

инновацион кутубхоналарни ташкил этиш, улардаги китоб фондиди янги авлод ўқув адабиётлари билан мунтазам бойитиш;

олий таълим муассасаларини юқори тезликдаги интернет билан узлуксиз таъминлаш, талабаларнинг мустақил таълим олиши учун инфратузилма имкониятларини кенгайтириш;

талабалар, ўқитувчилар ва ёш тадқиқотчиларнинг электрон таълим ресурслари, замонавий илмий адабиётларнинг электрон каталоглари ва маълумотлар базаларидан бепул фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

3-§. Ҳуқуқий таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш орқали инновацион инфратузилмасини шакллантириш

11. Ҳуқуқий таълим жараёнига рақамли технологиялар ва замонавий усулларни жорий этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

замонавий рақамли технологиялар ва таълим технологияларининг мустаҳкам интеграциясини таъминлаш, бу борада педагог кадрларнинг касбий маҳоратини узлуксиз ривожлантириб бориш учун қўшимча шароитлар яратиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш;

ҳуқуқий таълим бўйича электрон китобларни мобил ускуналарга юклаб ва кўчириб олиш мақсадида QR-код ёрдамида синфлар кесимида ўқув-методик мажмуалар (дарслик, ўқитувчи учун методик қўлланма, дарсликларнинг мультимедиали иловаси) ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

назарий ва амалий машғулотларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юкловчи платформалардан (Edu Market интерфаол-виртуал таълим дастури) ҳамда таълим жараёнларида инновацион технологиялардан фойдаланиш;

масофадан туриб фойдаланиш имконини берувчи электрон кутубхона тизимига ҳуқуқий таълим тизими бўйича ишлаб чиқилган ўқув-методик

мажмуаларни, электрон таълим ресурсларини жойлаштириш ҳамда улардан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш;

таълим жараёнида электрон ресурслар салмоғини босқичма-босқич ошириб бориш, электрон ўқув адабиётлар яратиш, уларни мобил курилмаларга юклаб олиш мақсадида QR-код ёрдамида электрон ресурслар ҳақидаги ахборотларни жойлаштириш тизимини яратиш;

ҳуқуқий таълимнинг ўзига хослигидан келиб чиқиб, таълим жараёнида халқаро миқёсда кенг қўлланиладиган замонавий дастурий маҳсулотлардан фойдаланишни ривожлантириш;

12. Ҳуқуқий таълимнинг инновацион инфратузилмасини шакллантириш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

ўқувчи-ёшлар томонидан яратилган ижодий лойиҳа ишлари натижаларини тижоратлаштириш ишларини босқичма-босқич жорий этиш;

пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига худудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишидан келиб чиққан ҳолда технопарк, форсайт, технологиялар трансфери, стартап, акселераторларни ташкил этиш ҳамда уларни фаолият олиб боришларини таъминлаш;

стартап лойиҳалари асосида тижоратлаштириш салоҳияти юқори иқтидорли ўқувчи-ёшларнинг илм-фанга кенг жалб этилишини рағбатлантириш;

иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш, чуқурлаштирилган (вариатив) таълим дастурлари асосида ўқитиш, “Устоз-шогирд” тизими асосида тегишли соҳада юқори натижаларга эришган малакали мутахассисларга бириктириш;

ҳуқуқ фани бўйича умумий ўрта таълим тизимида фан олимпиадаларини ташкил этиш ва иқтидорли ўқувчи-ёшлар иштирокини ошириш;

инновацион инфратузилмани ривожлантириш ҳамда мактабгача, умумий ўрта, бошланғич, ўрта ва ўрта махсус профессионал таълим ҳамда олий таълим тизимлари билан узвийлигини таъминлаш.

4-§. Ҳуқуқий таълимни ташкил этишда мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимларининг ўзаро интеграцияси

13. Ҳуқуқ фанларининг умумтаълим фанлари билан ўзаро интеграцияси ва ўқувчиларни касб-ҳунарга йўналтириш ишларини ташкил этиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

жадал ривожланаётган рақамли асрда инновацион маҳсулотларни яратиш учун янги билимларни ўзлаштириш ва амалда қўллашнинг тобора ортиб бораётган аҳамияти миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ва миллий хавфсизлик стратегияларининг самарадорлигини белгиловчи омиллардан келиб чиққан ҳолда интеграциялаш тизимини ишлаб чиқиш ва йўналишларини белгилаш;

глобаллашув даврида меҳнат бозори талабларига мос, ностандарт масалаларни ижодкорлик ёндошуви асосида еча оладиган ўқувчиларни тарбиялаш масаласини амалга ошириш учун муайян фикрлаш моделлари

зарур, ўқувчи-ёшларда бундай фикрлаш моделларини шакллантиришда интеграциялаш функцияларини белгилаш;

юқори касбий компетентликка эга, рақобатбардош кадрлар тайёрлаш, таълимда инновациялар, ўқитишнинг замонавий, интерактив ва ижодий услубларини кенг жорий этиш ўқувчиларнинг мотивацион, рефлексив ва ўз-ўзини баҳолаш каби индикаторлар асосида илмий изланишларни амалга ошира оладиган қобилиятларини ривожлантиришга йўналтирилган интеграциялаш тенденцияларини аниқлаш;

ҳуқуқий таълимни ривожлантириш доирасида замонавий жиҳозлар, касблар дунёси билан танишиш, ўқувчи-ёшларни турли ижтимоий соҳаларда мустақил равишда меҳнат қиладиган йўналишини топиш, уларни тўғри касб танлашга йўналтиришда интеграциялаш даражалари ва амалга ошириш шакллари ишлаб чиқиш.

14. Ҳуқуқий таълим фанларини ўқитишда фанлараро боғлиқликни ташкил этувчи ўқув модуллари қуйидагиларни ташкил этади:

маърузалар;

интерфаол кейс-стадилар;

семинарлар (мантикий фикрлаш, тезкор савол-жавоблар);

гуруҳларда ишлаш;

тақдимотларни қилиш;

индивидуал лойиҳалар;

жамоа бўлиб ишлаш ва ҳимоя қилиш учун лойиҳалар

Илмий маълумотлар ва ҳужжатлар тўплами;

режалаштириш ва лойиҳалаш ишлари;

15. Ҳуқуқ фанларини ўқитишда кредит-модул тизимидан иш олиб борилади.

16. Ҳуқуқ ижодкорликни қўллаб-қувватлаш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Ҳуқуқий таълим, фан ва ишлаб чиқариш интеграциясини ҳаракатлантирувчи куч, Ўзбекистон иқтисодиётининг таянчи ҳисобланади. Иқтисодиёт соҳасидаги глобаллашув, ижтимоий маданий ўзгаришлар трансформацияси кадрлар тайёрлашда сифат кўрсаткичларини яхшилаш, ҳуқуқий таълим мақоми ва нуфузини ошириш, ўқувчи-ёшлар ўртасида ижодкорлик муҳитини шакллантириш, “Иқтидорли ўқувчи-ёшларни аниқлаш”, туман, вилоят, республика миқёсида интеллектуал етук ўқувчи-ёшлар селекциясини ташкил этиш тизимини шакллантириш орқали амалга оширилади.

Мазкур тизим:

таълим муассасаси ахборот муҳитида ўқувчи-ёшлар томонидан бажарилган лойиҳалар, уларнинг натижаларини қайд этиш учун шароит яратиш;

очик тақдимотлар (жумладан, ихтисослашган портал ва ижтимоий тармоқлар), мусобақалар, конкурслар орқали ўқувчи-ёшларга инновацион лойиҳаларни тақдим этиш;

ҳуқуқий таълимни оммалаштириш учун машҳур ҳуқуқшунос олимлар, прокурор, судьялар иштирокида мунтазам танловлар ўтказиш;

таълимнинг барча босқичларида фан бўйича республика олимпиадаларини ташкил этиш;

мусобақаларни меҳнат тақсимоти асослари, жамоа бўлиб ишлаш тамойиллари, шахслараро муносабатлар ва иш этикаси асосларини ўзлаштиришга имкон берувчи шаклларда ташкил этиш;

5-§. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш

17. Кадрларни тайёрлаш ва инсон потенциалидан самарали фойдаланиш бўйича қуйидаги тадбирлар амалга оширилади:

Ҳуқуқий таълимнинг мазмун ва методларини такомиллаштириш учун ҳуқуқий таълим бўйича ишлаб чиқилаётган ўқув меъёрий ҳужжатлар ҳамда замонавий таълим технологиялари ва ресурсларини, масофадан ўқитиш технологиясини қўллаш ва фаннинг ривожланиш ҳақидаги маълумотларни таҳлил қилишни инobatга олган ҳолда, малакаси ошириш ва қайта тайёрлаш қўшимча касбий маълумот беришни талаб қилади.

Бу жараён қуйидаги тадбирларни амалга оширишни назарда тутди:

“Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими” таълим йўналиши бакалавриат даражаси учун таълим дастурларини мактабгача, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим тизимлари давлат таълим стандарти ва ўқув дастуридан келиб чиққан ҳолда тубдан янгилаш;

Ҳуқуқ соҳалари доирасида ўқув фанларидан дарс берувчи ўқитувчиларни масофадан ва аралаш усулда интеграциялашган малакасини ошириш ҳамда қайта тайёрлаш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш;

махсус компетенцияларга ҳамда ҳуқуқ соҳасида тажрибага эга касб усталарини тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини йўлга қўйиш;

ҳуқуқ соҳасида тажрибага эга касб усталарини қўллаб-қувватлаш тизимини яратиш;

тегишли лавозим, касб ва мутахассислик бўйича квалификация маълумотномаларида кўрсатилган малака талабларини ҳисобга олган ҳолда таълим соҳасида замонавий технологик жараёнлар билан таниш, техник қурилмалар билан ишлаш ва лойиҳа ишлари тажрибасига эга шахсларни касбий қайта тайёрлаш;

мактабгача, умумий ўрта, профессионал таълим тизимлари битирувчиларининг замонавий технологиялар бўйича юқори салоҳият даражаларини аниқлаш, уни қўллаб-қувватлаш, уларнинг иқтидорини рўёбга чиқариш мақсадида миллий, халқаро ва ҳудудий кўргазмаларида иштирок этиш учун таълим муассасаларини грант асосида қўллаб-қувватлаш дастурини ишлаб чиқиш;

“Устоз-шогирд мактаби”ини ташкил этиш ва ривожлантириш.

4-боб. Концепцияни амалга оширишдан кутилаётган натижалар

18. Концепция доирасида белгиланган вазифаларни бажариш орқали куйидаги кўрсаткичларга эришиш назарда тутилади:

Мактабгача таълим тизимида.

Ҳуқуқий таълим тизими бўйича ўқитишнинг концептуал асослари сифатида шуни қайд этиш жоизки, ҳуқуқ фанларини замонавий талаблар асосида ўрганиш:

мактабгача таълим тарбияланувчиларида:

барча болаларга сифатли таълим олиш учун бир хил имкониятларни таъминловчи самарали инновацион тизимини шакллантиради;

болани шахс сифатида жисмоний, интеллектуал ва ахлоқий жиҳатдан баркамол қилиб тарбиялаш учун шарт шароит яратилади;

барча турдаги мактабгача таълим ташкилотларидаги ўзгаришларнинг амалга оширилиши мазкур соҳада соғлом рақобат муҳитини яратади;

мактабгача таълим соҳасидаги меъёрий-ҳуқуқий база янада такомиллаштирилади;

мактабгача таълим тизимида инновациялар ва илғор педагогик технологиялар жорий этилади;

боланинг келгусида ўзини-ўзи муваффақиятини намоён қилиши учун асос сифатида ижтимоий эмоционал кўникмалари ривожлантирилади.

болаларда дастлабки ҳуқуқ ҳақидаги тушунчалар пайдо бўлади.

Ҳуқуқий таълимни ўқитишни янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикаси таълим тизимида:

Умумтаълим тизимида.

давлат таълим дастурлари таркибига кирувчи ҳуқуқ дарслари ўқувчиларда фан, XXI аср ва ҳаётини кўникмаларини, битирувчиларда ностандарт шароитларда юзага келадиган муаммоларни ҳал этиш, таълимнинг барча босқичларида қобилият ва ижодкорликни ривожлантириш ҳамда мустақил ҳаётда зарур бўладиган меҳнат кўникмаларини ўзлаштириш, мактабдан кейинги таълим босқичига ёки мустақил ҳаётга қадам қўйишда зарур бўладиган базавий компетенциялар ва дунёқарашларни шакллантиради;

ҳуқуқ фанларини ўқитиш – мактаб битирувчиларининг ҳуқуқий саводхонлигини, илк юридик кўникмаларини ва компетенцияларини шакллантириш, шу билан бирга замонавий технологиялардан профессионал даражада фойдаланиш, лойиҳалаштириш ва режалаштириш тизимларни бошқаришни ўзлаштириш имконини беради;

ҳуқуқ фани умумий ўрта таълим тизимида асосий интеграцион механизм вазифасини бажаради, табиий, илмий-техник, технологик, тадбиркорлик ва гуманитар фанлар доирасида олган билимларини қўллашни ўргатади ва умумий ўрта таълимнинг амалий жиҳатларини кучайтиришга ёрдам беради;

Ҳуқуқ фанларини ўқитишнинг концептуал асослари сифатида шуни қайд этиш жоизки, ҳуқуқ фанларини замонавий талаблар асосида ўрганиш:

мактаб битирувчиларида:

қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш жараёнида тушуниш, қўллаш, ва баҳолаш;

лойихалаштириш, изланиш, бошқариш каби универсал фаолиятни ўзлаштириш;

қарама-қаршилиқлар масаласини ечиш маҳоратини намоён қилиш орқали самарадор ва тўғри технологияларни танлаш;

ностандарт фикрлаш ва фаолият юритиш кўникмасини шакллантириш орқали янги хизматлар ва меҳнатга таъсир ўтказишнинг янги услубларини яратиш ва ҳ.к.

таълим жараёнида ҳар хил касбий кўникмаларни эгаллаш орқали мустақил ҳаётда зарур бўладиган бўлажак касбни тўғри танлаш;

меҳнат қилиш, янги билимларни эгаллаш, мукамалликка эришиш учун ўз устида мустақил ишлаш ва амалий фаолият юритиш;

тез ўзгарадиган иқтисодий, сиёсий, ижтимоий шароитларга мослашувчан, ноаниқ вазиятларда мустақил таълим олишга тайёр ўқувчи-ёшларни тарбиялаш.

Ҳуқуқ фанларини ўқитишни янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикаси фан ва таълимида:

Бу босқичда ўқувчини чуқур ҳуқуқий билим олиш имкониятини; иқтидорли ўқувчи-ёшларни кашф этишни янги босқичга олиб чиқишга имконият яратади.

Профессional таълим тизимида.

Ҳуқуқий таълимнинг узлуксиз таълим тизимида ўқитилиши орқали ўқувчи ёшларни замонавий касб сирларини мукамал эгаллаб бориш ҳамда меҳнат бозорида муносиб ўрин эгаллаш имкониятини оширади.

мактабгача, умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган ҳуқуқ фанлари таълим тизимининг узвийлиги сифатида профессионал таълим тизимида касбга оид мутахассислик фанларининг таълим дастурларидаги ҳуқуқ элементлари билан уйғунлаштирилган ҳолда узвий равишда ўқитиш имконияти кенгайтирилади.

Ўқувчи ёшларнинг касбга бўлган қизиқишлари билан бир қаторда мустақил фикрлаш, ижодкорлик, рационализаторлик (ихтирочилик) қобилиятлари шаклланиб боришга ёрдам беради.

Ёшларни ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усуллари орқали ўз касб фаолиятида мустақил қарор қабул қилиш кўникмалари шаклланади.

Профессional таълим тизимида умумий ўрта таълим тизимида ўқитиладиган ҳуқуқ фанларининг ўқув дастурларини узлуксиз таълимнинг кейинги тури ҳисобланган профессионал таълим тизимида касбга оид ҳуқуқий таълимнинг элементларини ўқув дастурлари мазмунига сингдириш орқали узвийлиги таъминланади.

Олий таълим тизимида.

Ҳуқуқий таълим тизимида ўқитишнинг концептуал асослари сифатида шуни қайд этиш жоизки, ҳуқуқий таълимни замонавий талаблар асосида ўрганиш:

– дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва табиий –илмий фанлар асосларини, жорий давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

– табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

– инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга, атроф муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ва маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

– ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган билиши ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

– электрон ахборот таълим муҳитида таълим жараёнини педагогик лойиҳалаштириш;

– тегишли бакалавриат йўналиши бўйича рақобатбардош умумкасбий тайёргарликка эга бўлиши;

– касбий-педагогик маданияти шаклланган бўлиши;

– янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

– битта хорижий тилни эркин сўзлашув даражасида эгаллаган бўлиши;

– соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниқтириш уқув ва кўникмаларига эга бўлиши керак.

Миллий ғоя, маънавият асослари ва ҳуқуқ таълими таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:

– умумий ўрта таълим мактабларида ҳуқуқ фанларидан, профессионал таълимда касбий фанлардан ўрнатилган тартибда дарс бериш;

– умумий ўрта таълим мактабларида ўқитувчи ва директор ўринбосари бўлиб ишлаш;

– профессионал таълим ташкилотларида ўқитувчи ва директор ўринбосари бўлиб ишлаш;

– профессионал таълим ўқитувчиси мос таълим йўналишлар бўйича таълимни амалга оширувчи вазирликлар, унинг тармоқ бошқармалари ва муассасаларида методист бўлиб ишлаш;

– педагогика ва ҳуқуқ фанлар йўналишидаги илмий-тадқиқот ташкилотларида кичик илмий ходим бўлиб ишлаш;

– умумий ўрта таълим муассасаларида ва мактабдан ташқари таълим муассасаларида ишлаш;

– маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари ҳамда жойлардаги маънавият ва маърифат марказларида ишлаш.

Ҳуқуқ фанларини ўқитишни янги босқичга кўтариш Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётида:

олий маълумотли мутахассислар тайёрлашнинг мақсадли параметрларини Инвестиция дастурлари, ҳудудий ва тармоқ дастурлари, васийлик кенгашлари талаблари, жаҳон миқёсидаги ўзгаришларни инобатга олган ҳолда шакллантириш, таълим йўналишлари ва мутахассисликларини оптималлаштириш ва ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш;

олий таълим муассасаларининг қуввати, илмий салоҳияти ва бошқа асосий кўрсаткичларидан келиб чиққан ҳолда тўлов-контракт асосидаги қабул параметрларини олий таълим муассасаси томонидан мустақил белгилаш тизимини босқичма-босқич жорий этиш;

давлат гранти асосида кадрлар тайёрлаш параметрларини босқичма-босқич олий таълим муассасалари ўртасида танлов ўтказиш йўли билан тақсимлаш механизмларини жорий этиш;

илғор хорижий тажрибалар асосида олий таълим муассасаларига юқори малакали педагог кадрларни мақсадли тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини такомиллаштириб бориш;

олий таълим муассасаларида ўқув-услугий фаолият учун масъул бўлган мутахассислар малакасини мунтазам ошириб бориш;

таълим йўналишлари ва мутахассисликлари бўйича хорижий тилларда ўқитиладиган мутахассислик фанлари салмоғини ошириб бориш;

магистратура талабаларининг юқори савияда илмий изланишлар олиб бориш, педагогик фаолият юритиш, бошқарув, танқидий фикрлаш ва тизимли таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши учун мазкур таълим босқичи ўқув режа ва дастурларини мунтазам такомиллаштириб бориш;

олий таълим муассасалари, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида ўқув-педагогик ва илмий фаолият юритиш учун хорижлик юқори малакали профессор-ўқитувчилар ва мутахассислар, таълим ва илм-фан соҳасида фаолият юритиб, салмоқли ютуқларга эришган, юрт ривожига ҳисса қўшиш истагида бўлган хориждаги ватандошларни жалб этиш, бу борада уларга академик ва инфратузилмага оид қулайликлар яратиб бериш;

“Эл-юрт умиди” жамғармаси кўмагида профессор-ўқитувчиларни хорижий мамлакатларда малака ошириш, стажировка ўташ, магистратура ва докторантурада ўқитиш орқали уларнинг касбий маҳоратини ошириб бориш;

кўп йиллик меҳнат стажига эга бўлган амалиётчи мутахассисларни таълим жараёнига кенг жалб қилиш, профессор-ўқитувчиларнинг тегишли соҳа корхона ва ташкилотларида стажировка ўташини тизимли ташкил этиш;

ижтимоий соҳа ва иқтисодиётнинг барча тармоқлари мутахассислари учун узлуксиз малака ошириш ва қайта тайёрлаш тизимларини жорий этишнинг меъерий-ҳуқуқий ва ўқув-методик асосларини такомиллаштириб бориш, бу борада масофавий таълим имкониятларидан кенг фойдаланиш;

таълим жараёнларини рақамли технологиялар асосида индивидуаллаштириш, масофавий таълим хизматларини ривожлантириш, вебинар, онлайн технологияларини амалиётга кенг жорий этиш;

замонавий ахборот-коммуникация технологиялари асосида масофавий таълим дастурларини ташкил этиш;

маъруза ва амалий машғулотлар, семинарларни онлайн кузатиш ва ўзлаштириш имконини берувчи, шунингдек уларни электрон ахборот сақловчиларга юқловчи платформасини амалиётга жорий этиш, таълим жараёнларида турли технологиялардан фойдаланиш;

хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, пуллик хизматлар кўламини кенгайтириш ва бошқа бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобига олий таълим муассасалари таркибида марказларни ташкил этиш ҳамда уларни тегишли тармоқ, соҳа ва ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишини тадқиқ қилиш ва прогнозлаштириш бўйича фаолият олиб боришларини таъминлаш;

профессор-ўқитувчилар, илмий изланувчилар, докторантлар, магистратура ва бакалаврият талабаларини ташкил этиладиган илмий ва инновацион фаолият олиб боришларига эришиш;

халқаро SciVal ахборот-таҳлил тизими ёрдамида жаҳондаги илмий-тадқиқот натижаларини таҳлил қилиб бориш асосида илм-фаннинг илғор ютуқлари билан уйғун ривожланишини таъминлаш.

ДОИМХА